

ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ ТАРИХИЙ ВАТАНИГА – ЯНГИ МАҚОМ



Давлат раҳбари Қозоғистон Республикасининг “Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида”-ги Қонунни имзолади.

Қонун билан Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми мамлакатнинг маънавий, тарихий, маданий, сайёҳлик маркази ва меъморий мероси сифатида белгиланган.

Хужжатда белгиланган вазифалар:

- тарихий-маданий меросни сақлаш – Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ва бошқа ёдгорликларни муҳофаза қилиш;

- археологик ва илмий реставрация ишларини тартибга солиш;

- тарихий-маданий меросни тиклаш ва миллий хунармандчиликни тарғиб қилиш;

- муҳофаза қилинадиган ҳудудда баландлиги ва меъморчилиги бир-бирига мос келмайдиган бинолар қурилишини тақиқлаш;

- археологик ёдгорликлар қўриқхонасини ташкил этиш;

- ногирон шахслар учун бадастир инфратузилма ва оммабоп сайёҳлик имкониятларини яратиш;

- шаҳарнинг ягона қиёфаси – меъморий ўзига хосликни сақлаб қолиш учун дизайн кодини жорий этиш;

- самарали бошқарув ва назоратни амалга ошириш учун ҳокимлик ва маслаҳатнинг ваколатлари доирасини кенгайтириш;

- хунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва транспорт транзитини тартибга солиш;

- сайёҳликни ривожлантириш ва ҳаёт сифатини оширишдан ташқари, шаҳарнинг тарихий ўзига хослигини сақлаб қолиш.

Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАҲСУЛОТЛАР ҚАНЧА ТУРАДИ?

Миллий статистика бюроси Қозоғистонда ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотлар нархлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди.

Қозоғистоннинг турли шаҳарларида 2025 йил 25 февраль ҳолатига кўра айрим маҳсулотларнинг ўртача нархлари:

• Бугдой уни (биринчи нав, 1 кг): энг паст нарх Петропавлда – 150 тенге, Ақтауда энг юқори нарх – 308 тенге, Астанада – 285 тенге.

• Бугдой нони (биринчи нав, 1 дона): энг паст нарх Ақтўбеда – 158 тенге, энг юқори нарх – Жезқазғанда, Астанада – 209 тенге.

• Макарон (1 кг): энг паст нарх Петропавлда – 254 тенге, энг юқори нарх Атирауда – 382 тенге, Астанада – 336 тенге.

• Гуруч (1 кг): энг паст нарх Қизилўрда – 378 тенге, энг юқори нарх Семейда – 478 тенге, Астанада – 419 тенге.

• Гречка (1 кг): энг паст нарх Павлодарда – 155 тенге, энг юқори нарх Туркистонда – 226 тенге, Астанада – 181 тенге.

• Кунгабоқар ёғи (1 литр): энг паст нарх Туркистонда – 719 тенге, энг юқори нарх Астанада – 852 тенге.

• Сариеғ (тузсиз, 1 кг): энг юқори нарх Ақтауда – 6177 тенге, энг паст нарх Туркистонда – 3796 тенге, Астанада эса – 5295 тенге.

• Қадоқланган сут 2,5 фоизли (1 литр): энг паст нарх Қўкшетауда – 303 тенге, энг юқори нарх Алматыда – 468 тенге, Астанада – 412 тенге.

• Кефир 2,5 фоизли (1 литр): энг паст нарх Талдикўрганда – 358 тенге, энг юқори нарх Ўскеменда – 505 тенге, Астанада – 449 тенге.

• Творог (1 кг): энг паст нарх Петропавлда – 1622 тенге, энг юқори нарх Ақтауда – 2884 тенге, Астанада – 2520 тенге.

• Мол гўшти (1 кг): энг юқори нарх Ақтауда – 3075 тенге, Ўралда энг паст нарх – 2466 тенге, Астанада – 3009 тенге.

• Товуқ гўшти (1 кг): энг паст нарх Семейда – 1215 тенге, энг юқори нарх Жезқазғанда – 1618 тенге, Астанада – 1567 тенге.

• Тухум (1-тоифа, 10 донаси): энг паст нарх Петропавлда – 471 тенге, энг юқори нарх Астанада – 612 тенге.

• Картошка (1 кг): энг паст нарх Петропавлда – 176 тенге, энг юқори нарх Жезқазғанда – 310 тенге, Астанада – 230 тенге.

• Сабзи (1 кг): энг паст нарх Павлодарда – 96 тенге, энг юқори нарх Қўнаевда – 193 тенге, Астанада – 127 тенге.

• Пиёз (1 кг): энг паст нарх Таразда – 103 тенге, энг юқори нарх Атирау ва Жезқазғанда – 171 тенге, Астанада – 141 тенге.

• Карам (1 кг): энг паст нарх Туркистонда – 135 тенге, энг юқори нарх – Жезқазғанда – 273 тенге, Астанада – 193 тенге.

• Шакар (1 кг): энг паст нарх Ўралда – 364 тенге, энг юқори нарх Талдикўрганда – 421 тенге, Астанада – 397 тенге.

• Туз (1 кг): энг паст нарх – Ақтўбеда – 56 тенге, энг юқори нарх – Алматыда – 99 тенге, Астанада – 89 тенге.

24.kz. маълумотлари асосида.

“Тарғим бажо айлайин, она юртимга!”



Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида “Шукрона куни”га бағишлаб ўтказилган байрам тадбири шундай номланди.

Тантанали йиғилишда вилоят ҳокими – Қозоғистон халқи вилоят Ассамблеяси раиси Нуралхан Кўшеров, зиёлилар, вилоят ҚХА аъзолари ва фахрийлари, вилоят ҚХА қошидаги “Эл бирлиги” депутатлик гуруҳи аъзолари ва ёшлар иштирок этди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг табригини ўқиб эшиттирди ва Шукрона куни барча қозоғистонликларнинг бир-бирига меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳурмат рамзига айланганини таъкидлади.



– Шукрона куни ватанпарварлик, бирдамлик ва дўстликнинг ёрқин тимсолидир. Асосий мақсад – ёш авлодни дўстлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Шукрона куни доирасида амалга оширилаётган барча тадбирлар миллий ҳамжиҳатликни, барча юртдошларимизнинг бир-бирига дўстлиги, меҳр-оқибатини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, сизларни Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман! Айни пайтда вилоятимизда 50дан ортиқ элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Вилоятимизда миллий бирдамликни мустаҳкамлаш,

фаровонликка кўмаклашиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда эзгулик ва саховат бардавом бўлсин, – деди у.

Тадбир давомида меҳмонлар эътиборига Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган вилоят этномаданият бирлашмаларининг кўргазмаси ҳавола қилинди.

Бирлик ва тотувлик рамзи бўлган байрам маданият соҳаси санъаткорлари ва этномаданият бирлашмалари бадий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган концерт дастурига улашиб кетди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ШУКРОНА КУНИДА ЁШ ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Туркистон шаҳридаги 3-сонли вилоят перинатал марказида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги, 1 март – Шукрона куни муносабати билан уюштирилган тадбирда вилоят ўзбек ва славян этномаданият бирлашмалари аъзолари ёш оналарга иззат-ҳурмат курсатиб, эсдалик совғаларини топширишди.

Тадбирда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Замир Муҳаммадзонов, славян этномаданият бирлашмаси аъзоси Ирина Чегановалар ёш оналар билан мулоқот чоғида Шукрона кунининг аҳамиятига тўхталиб, чақалоқларга узоқ умр ва

порлоқ истиқбол тилашди. Перинатал марказининг бош дояси Кенжеш Тайбек қизи тадбир учун этномаданият бирлашмалари аъзоларига миннатдорчилик билдирди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



АРИС ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Арис шаҳри аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 14 март куни соат 15.00да шаҳар маданият уйи (Арис шаҳри, Ергүбек кўчаси, 178)да, шахсий қабул соат 16.00да Фахрийлар маркази (Арис шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 3-уй)да ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533 5-98-99, 5-93-97) алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали 2025 йил 12 мартгача соат 9:00–19:00 оралиғида (тушки танаффус соат 13:00дан 15:00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ЧОРДАРА ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Чордара тумани аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 14 март куни соат 10.00да туман маданият уйи (Чордара шаҳри, Абай кўчаси, 54-уй)да, шахсий қабул соат 12.00да туман маданият уйи (Чордара шаҳри, Абай кўчаси, 54-уй)да ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533 5-98-99, 5-93-97) алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали 2025 йил 12 мартгача соат 9:00–19:00 оралиғида (тушки танаффус соат 13:00дан 15:00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ЖЕТИСАЙ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Жетисай тумани аҳолиси билан учрашуви ва шахсий қабули 2025 йил 13 март куни соат 15.00да қишлоқ маданият уйи (Сатпаев қишлоғи, Қурманғаз кўчаси, 44-уй)да ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533 5-98-99, 5-93-97) алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали 2025 йил 11 мартгача соат 9:00–19:00 оралиғида (тушки танаффус соат 13:00дан 15:00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ШУКРОНА КУНИ НИШОНЛАНДИ

Шимкент шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Шимкент шаҳри ҳоқими, шаҳар Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси Ғабит Сиздиқбеков иштирокида 1 март – Шукрона куни ва Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган “Шукрона – одамийлик тимсоли” мавзuida байрам тадбири ўтди.



Тадбир доирасида Шимкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган турли этнос вакиллари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди.

Шаҳар Ассамблеяси аъзолари ва этномаданият бирлашмалари раислари “Қозоқ элига минг раҳмат!” ёдгорлиги пойига гул қўйиб, ҚХАнинг 30 йиллигига бағишланган “Бирлик ва тотувлик йўлидаги 30 йил” ёдгорлик лавҳасини очди. “Шукрона” қарвонини тантанали равишда кутиб олиш маросими кўпчиликти катта таассурот қолдирди.

“Дўстлик уйи”да шаҳар этномаданият бирлашмаларининг кўргазмаси уюштирилиб, унда халқимизнинг маданий-тарихий мероси ва этнослар тарихини фоз этадиган экспонатлар таништирилди.

Шаҳар ҳоқими Ғабит Сиздиқбеков тантанада Давлат раҳбари, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг раиси Қа-



сим-Жўмарт Тўқаевнинг табригини ўқиб, эшиттирди.

Таъкидлаш жоизки, 1 мартда ташкил этилганга 30 йил тўлган ҚХА жамият тотувлиги ва умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, этносларро тотувликни мустаҳкамлаш ва қозоғистонча ватанпарварликни улуғлаш сингари этно-

сиёсат доирасидаги мақсад-вазифаларни шараф билан бажариб келмоқда.

Байрам тадбири концерт дастурига уланиб, унда шаҳар ўзбек драма театри жамоасининг чиқиши ҳам давомли қарсақлар билан қарши олинди.

Хуршид ҚҶҶҚОРОВ.

Тўлебий туман маданият уйида “Халқимга минг ташаккур!” мавзuida байрам тадбири ўтди. Бу йил Шукрона куни яна бир муҳим воқеа – Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган тадбирлар билан бошланди.

Тантанали тадбир аввалида иштирокчилар эътиборига этномаданият бирлашмалари фаолиятига бағишланган видеолавҳалар намойиш этилди.

Байрам тадбирида туман ҳоқими Еркеғали Алимқулов сўзга чиқиб, иштирокчиларни “Шукрона куни” билан табриклади.

– Ушбу байрам ҳар бир оилага қувонч, тинчлик ва фаровонлик олиб келсин! Ҳамжиҳатлигимиз мустаҳкам, тинчлигимиз зиёда бўлсин! – деди у.

Тадбир якунида туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун бир гуруҳ фаолларга ҳоқимнинг ташаккурномалари топширилди. Тақдирланганлар орасида Тўлебий туман УЭМБ раиси ўринбосари А.

ХАЛҚИМГА МИНГ ТАШАККУР!



А. АБДУФАТТОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирга олган.

Ўсмонов, тадбиркорлар Маъмуржон Юсупов, Миразиз ва Тўйчи Мирсидиқовлар, 1-Мамир қишлоғи УЭМБ раиси Абдуқаҳҳор Нодирбоев, фахрий устозлар Кенжабой Бадалов, Егизбай Суттибаев ва бошқалар бор.

ЭҶТИРОМ, ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ РАМЗИ



Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги «Изом» тамаддиҳонасида Шукрона кунига бағишланган тадбир ўтди.

Унда Сайрам туманининг «Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази» муассасасига бириктирилган 40дан зиёд имконияти чекланган шахслар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган муассасанинг бўлими мудариси Асел Қўнисбаева, «Далабор» мактаби директорининг ўринбосари

Ирисдавлат Аҳмедов ҳамда «Сахий» хайрия бирлашмаси аъзоси Олимжон Ғуломовлар барча меҳмонларни табриклаб, эзгу тилақларини билдирдилар.

Тадбир давомида Отабек Эркинов раҳбарлик қилаётган «Сахий» хайрия бирлашмаси томонидан тайёрланган совғалар тарқатилди. Шунингдек, муассаса раҳбари Абилай Узоқов ҳамда тамаддиҳона раҳбари Уктам Абдураимовга миннатдорчилик билдирилди.

З. МҶМИНЖОНОВ.

Саховат ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТДИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги «Баракат» тамаддиҳонасида “Sahiy” хайрия бирлашмаси ва саховатли оналар кенгаши аъзолари томонидан Рамазон муносабати билан хайрия тадбири уюштирилиб, қишлоқдаги 30га яқин боқувчисидан айрилган оила фарзандларига ифторлик дастурхони ёзилди.

Тадбирда сўз олган Илҳомжон Абдукаримов ва Шавкат Бекмуродовлар бирлашма раҳбари Отабек Эркиновнинг самимий

табрикларини етказдилар. Оналар кенгаши раисаси Сайёра Шукурова болаларни муборак Рамазон ойининг бошланиши билан табриклаб, эзгу тилақлар билдирди.

Тадбирда ҳомиилар томонидан озиқ-овқат саватлари тарқатилди. Шунингдек, «Салом-такси» маъмурияти иштирокчиларнинг тадбирга келиши ва уйларига қайтишига бепул хизмат кўрсатиб, хайрия тадбирига ўз ҳиссасини қўшди.

З. МҶМИНЖОНОВ.



ТУМАНДА ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ



Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси этиб Жамол Ўсмонали ўғли Қодиров сайланди.

Жамол Қодиров 1991 йил 5 октябрда Тўлебий туманининг Алишер Навоий қишлоғида туғилган. 2008 йили Ал Форобий номли ўрта мактабни, 2011 йили Шимкент тиббиёт коллежини, 2014 йили Жанубий Қозоғистон педагогика университетини инглиз тили мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Ленгер шаҳар касалхонасида дастурчи бўлиб бошлаган. Сўнг «Тогойна» мактабида

тиббиёт ходими, инглиз тили ўқитувчиси, 2018 йилдан шу кунгача Ал Форобий номли ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини, «Тогойна» мактаби директори лавозимларида ишлаб келган.

Халқаро TKT CLIL (band 4) Cambridge English сертификати соҳиби.

Янги раҳбарга халқимизнинг тили, маданияти ва аъналарини асраш, ривожлантириш ҳамда янги мазмун билан бойитишдек ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

Туркистон вилоят маслаҳати МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги Қозоғистон Республикаси Қонунига мувофиқ, 2025 йил 6-7 март кунлари Туркистон, Арис шаҳарлари ва Мақтаарал, Жетисай, Чордара туманларидан сайланган саккизинчи қаҳириқ Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари аҳоли олдида ҳисобот учрашувларини ўтказди.

Туркистон вилоят маслаҳати депутатларининг аҳоли билан учрашувлари ЖАДВАЛИ

№	Туман, шаҳар номи	Вилоят маслаҳат депутатлари	Учрашув кун ва вақти	Халқ билан учрашув ўтадиган жой
1	Туркистон	Б. Шўйбеков С. Аристанов И. Намазбаева Е. Хандиллаев	06.03.2025 й соат 10.00	Туркистон шаҳри, Амир Темир кўчаси, 28-уй, шаҳар ҳоқимлиги биноси
2	Мақтаарал	Ж. Қанаев Ж. Қурақбаев	06.03.2025 й соат 11.00	Мақтаарал тумани, Мирзакент қишлоғи, Қўжанов кўчаси, 17-уй, Маданият уйи
3	Жетисай	Е. Ералиев Т. Қаржауов	06.03.2025 й соат 14.00	Жетисай шаҳри, М. Ауезов кўчаси, 20-уй, туман ҳоқимлиги биноси
4	Чордара	Б. Серманизов	06.03.2025 й соат 16:30	Чордара шаҳри, Тўлебий кўчаси, 40Б-уй, туман ҳоқимлиги биноси
5	Арис	Е. Қўсмамбетов	07.03.2025 й соат 16.00	Арис шаҳри, Ергўбек кўчаси, 178-уй, шаҳар маданият уйи

